

**“MA’QULLANGAN”**  
**O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SOQ’LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**  
**Dori vositalari va tibbiy texnika sifatini**  
**nazorat qilish Bosh boshkarmasi**  
**“25” 09 2013 N 17**

**ЭРСЕФУРИЛ®**  
**препаратини тиббиётда қўллаш бўйича**  
**ЙЎРИҚНОМА**  
**(мутахассислар учун маълумот)**

**Препаратнинг савдо номи:** Эрсефурил®  
**Халқаро патентланмаган номи:** нифуроксазид  
**Дори шакли:** капсулалар.

**Таркиби:**

1 капсула сақлайди:

*Таъсир этувчи модда:* нифуроксазид - 200,0 мг

*Ёрдамчи моддалар:* маккажўхори крахмали - 88,0 мг, сахароза - 72,0 мг; магний стеарати - 1,8 мг.

*Капсула таркиби:*

корпус: желатин 100% гача, титан диоксиди (E171) – 2,0%, сариқ темир (II) оксиди (E 172) бўёвчиси – 0,6286%, қопқоғ: желатин 100% гача, титан диоксиди (E171) – 2,0%, сариқ темир (II) оксиди (E 172) бўёвчиси – 0,6286%.

**Таърифи**

Қаттиқ желатин капсулалари №1; корпуси сариқ рангли, қопқоғи сариқ рангли. Капсулаларнинг ичидагиси - сариқ рангли куқун.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** микробларга қарши восита, нитрафуран.

**АТХ коди:** A07AX03.

**Фармакологик хусусиятлари**

**Фармакодинамикаси**

Бошқа нитрофуранлар каби, микроорганизмларнинг хужайраларида айрим оксидланиш - қайтариланиш энзимли реакцияларни блоклайди. Терапевтик дозаларда қўлланганида бактериостатик, юқори дозаларда бактерицид таъсир кўрсатади.

Юқори таъсирчан: *Campylobacter jejuni*, *Escherichia coli*, *Salmonella spp*, *Shigella spp*; *Clostridium perfringens*, *Vibrio cholerae*, *намоген Vibrions* ва *Vibrio parahaemolyticus*, *Staphylococcus spp*.

Камроқ таъсирчан: *Citrobacter spp*, *Enterobacter cloacae* ва *Proteus indologenes*.

Резистент: *Klebsiella spp*, *Proteus mirabilis*, *Providencia spp.*, *Pseudomonas spp*.

Сапрофит флорага таъсир қилмайди (дисбактериоз чақирмайди).

Бактериал штаммларининг препаратга резистентлиги ривожланмайди.

**Фармакокинетикаси**

Нифуроксазид ошқазон ичак системасида деярли сўрилмайди, қабул қилинган дозанинг 99% ичакларда қолиб ўз антимикроб таъсирини кўрсатади. Нифуроксазид ичаклар орқали чиқади: 20% ўзгармаган ҳолда, нифуроксазиднинг қолган миқдори - химиявий ўзагаради.

### **Қўлланилиши**

Умумий аҳволи ёмонлашмаган ҳолатлардаги уткир бактериал диареяда, температура кўтарилмасдан ва интоксикациясиз (кўшимча адекват диарея даражасига регидратация қилиш суюқлик ва электролитларни ичга қабул қилиш еки керак булса томир ичига юбориш билан)

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- Ўта юқори сезувчанлик (шу жумладан нитрофураннинг бошқа ҳосилаларига),
- 6 ёшгача бўлган болалар.
- Ҳомиладорлик
- Глюкоза-галактозани кам сўрилиш синдроми, сахароза-изомальтазанинг етишмовчилиги (препаратнинг таркибида сахароза борлиги туфайли.

### **Ҳомиладорлик ва лактация**

#### **Ҳомиладорлик**

Ҳайвонларда илмий текширишларда нифуроксазиднинг тератоген эффекти тасдиқланмади. Лекин ҳавфсизлик жиҳатидан ҳомиладорлик даврида қабул қилиш тавсия этилмайди.

#### **Лактация даврида**

Лактация даврида даволашнинг қисқа муддатли курси билан препарат қабул қилинади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Препарат 6 ёшдан ошган болалар ва катталарга фақат ичга қўллаш учун мўлжалланган.

Катталарга: 4 капсулалардан (800 мг) кунига 2-4 марта.

6 ёшдан ошган болаларга: : 3-4 капсулалардан (600-800 мг) суткада 2-4 марта.

Даволаш курсининг давомийлиги: 7 кундан кўп эмас.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Маълумотлар йўқ

### **Ножўя таъсири**

Жуда кам тери тошмалари, эшак еми, Квинке шиши каби аллергияк реакциялар ёки анафилактик шок бўлиши мумкин.

### **Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири ва ўзаро таъсирнинг бошқа шакллари**

Маълумотлар йўқ

### **Махсус кўрсатмалар**

Тизимли зарарланиш белгилари бор бактериал диареяда (умумий аҳволнинг ёмонлашуви, тана ҳароратининг кўтарилиши, интоксикация ва инфекция симптомлари) яхши тизимли диффузияли антибактериал препаратларни қўллаш тавсия этилади.

Яққол намоеън бўладиган, узоқ муддатли диареяда, оғир қусишларда ёки овқатдан бош тортиш ҳолатларида регидратация учун суюқлик ва электролитларни вена ичига юбориш ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Агар даволаниш даврида диарея 2 кундан ортиқ вақт давом этса, давони қайта кўриб чиқиш керак ва суюқлик ва электролитларни ичга қабул қилиш ёки венага юбориш ҳақида ўйлаб кўриш лозим.

Юборилаётган суюқликнинг ҳажми ва уни юбориш усули (ичга, вена ичига) диареянинг яққоллик даражаси, беморнинг ёши ва клиник ҳолатига мувофиқ бўлиши керак.

**Транспорт воситалари ёки бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири**  
Препарат транспорт воситалари ва машина қурилмаларини бошқариш учун зарур бўлган қобилиятга таъсир қилмайди.

**Чиқарилиш шакли**

Капсулалар 200 мг.

14 капсуладан ПВХ/алюминий фолга блистерда.

1 ёки 2 блистердан қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

**Сақлаш шароити**

Қуруқ жойда, 30°C дан паст ҳароратда сақлансин.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

5 йил. Яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Қайд қилиш гувоҳномасининг эгаси**

САНОФИ-АВЕНТИС ФРАНС, Франция.

1-13, бульвар Ромен Роллан 75014 Париж, Франция.

**Ишлаб чиқарувчи:**

Санofi Винтруп Индуcтрия, Франция

6 бульвар де л'Юроп 21800 Кетинья, Франция.

Қайд этилган рақам (Россияда):

П № 012447/01

Қайд этилган рақам (Ўзбекистонда):

Б-250-95 N 37008